

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТИНТУВ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИГА ОИД  
ПРОЦЕССУАЛ ҚОИДАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**  
**Вохиджон Адхамович ХОМИДОВ**

мустақил изланувчи  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Тошкент, Ўзбекистон  
[alaliey779@gmail.com](mailto:alaliey779@gmail.com)

**Аннотация**

Мақолада тинтув тергов ҳаракатига оид процессуал қоидаларнинг тарихий ривожланиши, бу борада тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрлари, одат ҳуқуқи, шариат нормалари, ислом ҳуқуқи ва мамлакатимиз худуди чор Россияси бошқарувига ўтганидан кейинги тинтувнинг мазмуни ва уни ўтказиш тартибида доир дастлабки нормаларнинг шаклланиш босқичлари ҳамда илк бор қонунчилик даражасида кайд этилиш жараёнлари таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқ, тергов ҳаракати, тинтув, суд, қози, терговчи, прокурор, қарор, санкция, далил.

**ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ПОЛОЖЕНИЙ,  
КАСАТЕЛЬНО ОБЫСКНЫХ И СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ В  
УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ**

**Вохиджон Адхамович ХОМИДОВ**  
независимый исследователь  
Академия МВД Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан  
[alaliey779@gmail.com](mailto:alaliey779@gmail.com)

**Аннотация**

В данной статье рассмотрены историческое развитие процессуальных норм, связанных с обыскными и следственными действиями, мнения ученых, проводивших исследования по данному вопросу, анализируется право одата, нормы шариата, мусульманское право и этапы формирования исходных норм, содержание и порядок проведения обыска после перехода территории нашей страны под управление царской России, а также первые регистрационные процессы на законодательном уровне.

**Ключевые слова:** право, следственные действия, обыск, суд, казий, следователь, прокурор, решение, санкция, доказательство.

Ҳар бир ижтимоий воқелик ёки ҳодисанинг моҳиятини чуқур билиш учун аввало унинг келиб чиқиши манбасини, яъни чуқур илдизларини ўрганиш талаб этилади [3]. Айнан мазкур мантиқ қоидаси, бизни тинтув тергов ҳаракатининг вужудга келиши ва тарихий-ҳуқуқий ривожланишини ўрганишга ундейди. Қолаверса, тинтувнинг турлари, вужудга келиш

омиллари, ривожланиш босқичлари ҳамда амалдаги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ушбу тергов ҳаракатини янада такомиллаштириш ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш имконини беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тинтув тергов ҳаракатига доир процессуал қоидалар бугунги кунга қадар бир қатор босқичларни босиб ўтган. Тарихий манбалар ва айрим юридик адабиётларда қайд этилишича, мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ишларини юритиш дастлаб одат хуқуқи ва шариат нормалари асосида амалга оширилган [4].

Маълумки, одат хуқуқи зардўштийлик динининг асосий манбаи бўлган «Авесто» китоби асосида тартибга солинган ва эрамизнинг VII-VIII асрига қадар амалда бўлган. «Авесто» китоби айни замонда бу ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий хужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Авесто 348 бобдан иборат бўлиб, унда 345 минг 700 та сўз бўлган. Авестонинг Вендиidot [9] китобида хуқукий қоидалар ўз аксини топган. «Авесто»да белгиланган одат хуқуқи нормаларига кўра: «далил сифатида судда айбдорнинг ўз айбини бўйнига олиши, гувоҳларнинг кўрсатмалари, қасам ичиш кабилар тан олинган. Суд жараёнида олов, қиздирилган темирни босиши, эритилган кўрғошинни кўкракка қўйиш каби турли қийноқлар қўлланилган» [6].

Маълумки, Араб халифалигига ўрта аср шарқининг энг муҳим хуқукий тизимларидан бири ҳисобланган ислом хуқуқи (шариат) вужудга келди ва шаклланди. Шариатнинг таъсири ва фаолият доираси фақат Арабистон худудида чекланиб қолмасдан, балки ундан ташқари минтақаларда ҳам кенг қулоч ёйди. Ислом дини билан бирга шариат нормалари Ўрта Осиёда, Шимолий Кавказ ва Кавказорти, Шарқий ва Фарбий Африка ҳамда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг қатор мамлакатларида кенг тарқалди. Унинг барча тармоқлари ва муассасалари Араб халифалигининг барча минтақаларидағи сингари амалга киритилди ва шариат асосий хуқукий норма тусини олди [2;99-100].

Ислом ҳукуқи ўзидан олдинги ҳукуқий тизим ва тузилмаларнинг кўпгина унсур ва жиҳатларини, жумладан, исломгача бўлган Арабистон ва босиб олинган ҳудудларда мавжуд ҳукуқий одат ва анъаналарни ўзида мужассамлаштириди.

Дарҳақиқат, араблар истилосидан кейинги даврларда жамиятда шаклланган нормалар буюк маданиятимиз ва қадимий меросимиз илдизларида чукур из қолдиришига сабаб бўлди. Миллий ҳукуқий тарихимизнинг ажралмас қисми деб ҳисобланган шариатнинг муҳим жиҳатларини бугунги кунда тадқиқ этган олимлардан М.А.Ражабова таъкидлаганидек, «...минг йилдан ортиқ муддат давомида мамлакатимиз ҳудудида ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси ижтимоий-сиёсий тузумнинг, ҳукуқий маданиятимизнинг таркибий қисми бўлган шариат қоидаларини, унинг жиноят ва жазо билан боғлиқ қоидаларини илмий таҳлил қилиш, ижобий жиҳатларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга» [7].

«Шариат» сўзи араб тилида «остона», «сув ичиш жойи» ҳамда «йўл» деган маъноларни англатади. Вокеликда «шариат» атамаси «қонунчилик» маъносига ишлатилади. Хусусан, Аллоҳ жорий қилган амалий ҳукмлар мажмуаси «шариат» дейилади. Шу маънода шариат фиқҳ маъносига ҳам тушунилади [10].

Ҳ.Т.Одилқориевнинг фикрича, шариат – тўғри йўл, илохий йўл, қонунчилик маъноларини англатиб, ислом диний ҳукуқ тизимиdir. Унда соф ҳукуқий масалалардан ташқари, ахлоқий нормалар ва амалий диний талабларга ҳам қонуний рух сингдирилган [6; 100].

Шариат нормалари мусулмон ҳукуқига асосланган бўлиб, тўртта манба асосига (Куръони карим, ҳадислар, ижмо ва қиёс) тартибга солинган. Ўз навбатида, уламолар шариат нормаларини манбаларга қараб, уларни иккита катта гурухга бўладилар. Биринчи гурух – Куръони карим ва Ҳадисларга доир нормалар: ушбу гурухга мансуб нормаларга энг ишончли, хақиқий нормалар сифатида қаралади. Иккинчи гурух – ижмо ва қиёс

нормаларидир.

Асосий нормалар сифатида биринчи икки манбада, яъни Қуръони карим ва Суннада кўзда тутилган нормалар тан олинади. Фақиҳлар фикрига кўра, ҳақиқий нормалар фақат Қуръони карим ва суннада ифодаланган, бошқа манбаларга асосланган нормалар эса биринчиларини тўлдиришга хизмат қиласи ва том маънода шариат таркибига киритилмайди. Кўпчилик муаллифлар барча манбаларда ифодаланган нормаларни тан олишади шунда ҳам бирламчи манбаларда ифодаланган нормаларнинг устунлигини эътироф этишади [11].

Жиноятга доир ишлар қозилар томонидан олиб борилган. Қози лавозимига тайинлаш учун жамият ичидан “уламолар табақаси”га мансуб бўлган киши танлаб олинган. Улар ислом манбалари Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларни мукаммал билган ва амалий татбиқ эта олган. Шунингдек, мазкур табақа вакиллари ислом дини доирасида ақоид илмининг етук мутахассислари бўлиши билан бир вақтда, фикрхшунос олим ва шариат қонунларини татбиқ қилувчи шахслар саналган [12]. Лекин эътиборли томони шундаки, бу даврларда тергов харакати ёки тинтув деган тушунчалар умуман мавжуд бўлмаган.

Давлат ва ҳукуқ тарихига оид юридик манбаларнинг таҳлили юртимиз худудида бўлган айрим давлат тузилмаларида жиноят ва жазо масалалари одат ва шариат нормаларидан ташқари, қонун номи билан ёки унга тенглаштирилган тарзда қабул қилинган ҳукуқ нормалари орқали ҳам тартибга солинганлигини кўрсатади [1].

Қадимги туркий халқлар давлатчилиги намуналари бизгача тўла етиб келмаган бўлсада, бундай ҳужжатлар сифатида 1206 йилда яратилган «Ясо қонунлари», дунёвий қонунчиликнинг энг йирик кодекси саналган «Темур тузуклари», ўзбек хонларининг шариатнинг асосий қоидаларидан кўллланмалари (масалан, Сулук-ал мулук), шунингдек, хонликлардаги суд, жиноий жазо масалаларига оид оғзаки ёки ёзма фармонлар билан ўрнатилган, шариатда кўзда тутилмаган жазоларни назарда тутувчи ҳукуқ нормаларининг

мавжуд бўлганлигини кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифоя [5].

Мусулмон хуқуқига оид адабиётларга назар соладиган бўлсак, республикамиз ҳудудидаги давлат тузилмаларида тинтув кенг қўлланилган бўлсада, лекин алоҳида тергов ҳаракати сифатида мавжуд норматив-хуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топмаган. Одатда, тинтув қозиларга фуқаролар томонидан мулкка доир хуқуқларини тиклаш юзасидан қилинган шикоятларда даъвогар томонидан ўзининг талон-торож қилинган ёки олиб қўйилган мулки, яъни ашёларни жиноят содир этган шахснинг ёнидан ёки унга тегишли бўлган бошқа тураг жойидан текшириш, шунингдек, қидирилаётган шахсларни топиш мақсадида ўтказилганлиги бўйича маълумотлар борлигини кузатиш мумкин.

Албатта ўша даврларда тинтув ўтказиш асослари ва процессуал тартиби бугунги кунда суд-тергов амалиётида ўтказилиб келинаётган тинтув тергов ҳаракатига тўлиқ мос келмасада, юқоридаги маълумотлар республикамиз ҳудудидаги давлат тузилмаларида тинтув ҳаракати қозиларнинг амалиётида кенг кузатилган, деган хulosага келиш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳудуди чор Россияси бошқарувига ўтганидан кейин, жиноят судлов ишларини юритиш соҳасида бир қатор қонуний актлар қабул қилинган, бироқ ушбу ҳужжатларда судлар томонидан шариат ва одат нормаларининг қўлланилиши тақиқланмаган [8].

Тинтувнинг мазмуни ва уни ўтказиш тартибига доир нормалар дастлаб 1864 йилда қабул қилинган жиноят ишлари бўйича суд ишларини кўриб чиқиши тўғрисидаги низомнинг 357-370-моддаларида ўз ифодасини топган. Тинтувни ўтказишнинг асослари ва тартиби кўп жиҳатдан амалдаги жиноят-процессуал қонунда белгиланган қоидаларга ўхшаш бўлган. Масалан, «йилар ва бошқа тураг жой биноларида тинтув ўтказиш ва олиб қўйиш фақат асосли гумон бўлса ва бунда қуидагилар яширин бўлсагина амалга оширилган: айбланувчи ёки жиноят предмети ёки иш учун зарур бўлган ашёвий далиллар» (357-модда); «тинтув ва олиб қўйиш холислар ва

уй ёки бино эгаси, агар улар йўқ бўлса, унинг рафиқаси ёки унинг катта ёшли оила аъзолари ва бошқалар иштирокида амалга оширилади» (358-модда) [13].

Илк бор қонунчилик даражасида (362-моддсига мувофиқ) алоҳида мақомга эга шахслар (подшоҳ ёки император хонадони аъзолари) томонидан эгаллаб турилган биноларда тинтув ўтказиш тартиби Жиноят ишлари бўйича суд ишларини кўриб чиқиш тўғрисидаги низом билан ўрнатилди. Юқорида қайд этилган шахсларда тинтув ўтказиш учун Ташқи ишлар вазирлиги ёки тегишли сарой раҳбарияти рухсатномаси керак бўлган [14].

РСФСР Халқ комиссарлар кенгашининг 1917 йил 24 ноябрдаги «Судлар тўғрисида»ги декрети билан [15] жиноий ишлар бўйича тинтувнинг мавжуд тартиби бекор қилинди. Тинтув ўтказиш билан боғлиқ масалалар РСФСР Адлия Халқ Комиссариатининг 1917 йил 16 декабрдаги қарорида ўз аксини топган [16]. Бироқ мазкур меъёрий ҳужжат фақатгина тинтув ўтказиш учун ордер бериш ваколатига эга муассасалар рўйхатини белгилаб берарди, унда мазкур тергов ҳаракатини амалга ошириш тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалалар хусусида сўз бормайди.

РСФСР милиция бошлигининг 1921 йил 16 мартағи 24-сонли «Тинтувлар ўтказиш қоидалари тўғрисида»ги буйруғида жиноят ишлари бўйича суд ишларини кўриб чиқиш тўғрисидаги низом қоидаларини эслатувчи тинтув ўтказишда иштирок этувчи милиция ходимлари учун батафсил кўрсатмалар ўз аксини топган. Хусусан, тинтув ўтказилиши керак бўлган жойларда: а) иш учун зарур бўлган ашёвий далиллар; б) қидирудаги жиноятчи яширганлиги тўғрисида асосли гумон мавжудлиги тинтув ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи омиллар сифатида келтирилади. Эътиборлиси “Жиноят-қидирув муассасаси бошлиғи томонидан берилган ордер” мазкур тергов ҳаракатини амалга ошириш учун расмий асос бўлиб хизмат қилган [17].

Тинтув ўтказишнинг етарли даражада батафсил регламентацияси 1922 йилдаги РСФСР ЖПК 178-191-моддалари [18] ва 1923 йилдаги РСФСР ЖПК 175-188-моддаларида [18] ўз аксини топган. 1923 йилдаги РСФСР ЖПКнинг

XIV боби тинтув ва олиб қўйишга бағишлиланган. Мазкур норматив-хуқуқий хужжатлар талаблариға мувофиқ тинтув ўтказиш хақидаги қарор фақат терговчи томонидан қабул қилинган. Дипломатик ваколатхоналар биноларида тинтув ўтказиш учун эса Ташқи ишлар халқ комиссариати рухсати талаб этилган. Давлат, дипломатик ёки ҳарбий сирни ташкил қилувчи хужжатларни олиб қўйиш учун тегишли муассасалар томонидан прокурор билан келишилган ҳолда уларни ошкор қилмасликнинг алоҳида кафолатлари белгиланиши мумкин бўлган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 1922 ва 1923 йиллардаги РСФСР ЖПКларида тинтув ўз мақсадлари, асослари ва уни амалга оширишнинг батафсил тартибини кўзда тутувчи мустақил тергов ҳаракати сифатида эътироф этилган. Бу билан, жиноят-процессуал қонунларда тинтув ўтказишнинг етарли даражада асосли регламентацияси келтирилган. Шу билан бирга, мазкур хужжатлар билан терговчининг тинтув тергов ҳаракатини мустақил амалга ошира олиш ваколатига эга бўлганлиги, прокурор ва суднинг тинтув тўғрисида қарор қабул қилишдаги ролини инкор этиб, ишни судга кадар юритиш босқичида шахс хуқуқларининг жиддий чекланишига йўл қўйилган.

1959 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 150-моддасига мувофиқ, тинтув ўтказиш учун прокурор санкциясини олиш кераклиги белгилаб қўйилди. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда у тинтувни прокурор санкциясиз ўтказиши мумкин бўлган. Бироқ бу тартибда ўтказилган тинтув тергов ҳаракати тўғрисида йигирма тўрт соат давомида ўрнатилган тартибда прокурор хабардор қилиниши керак бўлган. Фикримизча, тинтув ўтказишга санкция бериш талабини жиноят-процессуал қонунчилиқда ўз ифодасини топганлиги фуқароларнинг конституциявий хуқуқларини бузилишининг олдини олишдаги муҳим қадам бўлди. Қолаверса, тинтув ўтказишнинг мазкур процессуал регламентацияси салкам ўттиз беш йил вақт давомида қўлланилиб, умуман уларга туб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган.

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг [19] қабул қилиниши тинтув ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик меъёрлари ривожида муҳим давр бўлди. Амалдаги ЖПКда тинтув суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига биноан, прокурорнинг санкцияси билан ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилади, бунда улар тинтув ўтказишни суриштирув органига ёки терговчига топширишга ҳақли эканлиги белгилаб берилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги кунга келиб жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида тинтув мустақил тергов ҳаракати ҳисобланиши бўйича яқдил фикр мавжуд десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муҳим устувор йўналиш сифатида белгилангани бежиз эмас. Зеро, давлат ва жамиятни тубдан модернизация қилишда, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришиш, қонунийликни мустахкамлаш, коррупцияга қарши самарали курашиш муҳим аҳамият касб этади. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда барча соҳалар қатори суд-хуқуқ йўналишида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида: “Тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшлиши ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказамиз. Энди терговчи жиноятга алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмайди. Ахир, биз хусусий мулк дахлизлигини қучайтириш бўйича озмунча ҳаракат қиляпмизми? Бундан буён мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади”, дея қайд этди.

Амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларида ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа

хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши белгиланган [21].

Фикримизча, мазкур процессуал тартибни қуидаги асосларга кўра қайта қўриб чиқишга зарурат туғилди:

прокурорнинг жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш бўйича ваколати борлиги, тезкор-қидирув фаолиятининг ташаббускоридан бири эканлиги, шунингдек, судларда жиноят ишлари қўриб чиқилаётганда давлат айбовини қувватлаш бўйича вазифаларини инобатга олсак, унинг далил тўплаш билан боғлиқ тергов харакатлари жараёнида фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини сўзсиз таъминланишидан манфаатдор бўлмаслиги мумкин;

хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ тезкор қидирув тадбирлари (ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқлари) факат суднинг рухсати билан амалга оширилади. Бу каби қоидалар Германия, Италия, Россия, Грузия, Беларусь, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлар қонунчилигига назарда тутилган.

Эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир масала шундаки, миллий қонунчиликда тинтув, телефон сўзлашувини эшитиш, мулкни хатлаш ва бошқа турдаги тергов харакатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи органлар қарорлари, мазкур орган ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш мумкинлиги белгиланган бўлсада, ушбу процессуал ҳаракатлар прокурор санкцияси асосида олиб борилиши – бу ҳуқуқлар бузилганидан кейингина амалга ошириш мумкинлигини билдиради.

Юқорида санаб ўтилган омиллардан келиб чиқсак, юртимизда тинтув тергов ҳаракатини прокурор санкцияси асосида эмас, балки бевосита суднинг

рухсати билан ўтказиш вақти-соати келди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: дарслик // юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 759 б.
2. Давлат ва ҳуқуқ тарихи: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Ҳ.Т.Одилқориев, Н.П.Азизов, Ҳ.Р.Мадиримов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.
3. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт: монография. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 166 б.
4. Муродов Б.Б., Дўстмуродов У.И. Жиноят ишини тугатиш асосларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари //Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 25-26.
5. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: Адолат, 2003.
6. Одилқориев Ҳ.Т., Азизов Н.П., Мадиримов Ҳ.Р. Давлат ва ҳуқуқ тарихи: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.
7. Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. – Тошкент: Адолат. 1996.
8. Чутбаев М.Р. Дастробки терговда шахс ҳуқуқларини чеклаш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишининг ретроспектив таҳлили // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – 2011. – № 4. – Б. 85.
9. Ўзбек тилининг изоҳли лугати — Т ҳарфи [Электрон манба] // URL: [http://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf](http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf) (мурожаат қилинган вақт: 22.12.2019);
10. <https://www.islamonline.uz/index.php/islom/item/7402-islom-shariati>

11. <https://azon.uz/content/views/buyuk-imomning-ulug-mazhabi>
12. <https://einfo.lib.uz/index.php/2020/10/07/qozi-lavozimi-va-uning-odobi-haqida-yozilgan-asarlar-tahlili/>
13. [https://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/3137/.](https://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/3137/)
14. <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=ESU&n=4029#0DWEABT0wMj5AVPY1>
15. [https://istmat.org/node/28140.](https://istmat.org/node/28140)
16. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=41290240>
17. [https://nнов.hse.ru/ba/law/igpr/sov\\_gos/upk22](https://nнов.hse.ru/ba/law/igpr/sov_gos/upk22)
18. <http://museumreforms.ru/node/13986>
19. <https://lex.uz/docs/111460>
20. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
21. [https://uza.uz/uz/posts/endi-tergovchi-zhinoyatga-alоqador-deb-har-qanday-mulkni-xatlab-qoya-olmaydi\\_438104](https://uza.uz/uz/posts/endi-tergovchi-zhinoyatga-alоqador-deb-har-qanday-mulkni-xatlab-qoya-olmaydi_438104)